



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (12.323)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактаби ҳам ёшларни армияга жисмоний, техник ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

— Ҳозирги кунда мактабимизда 150 нафар ёшлар уч йўналиш бўйича таълим олмақда, — дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг бошлиғи Алишер Юсупов. — Бизда, биринчи навбатда, энг яхши кўрсаткичларга эришган ҳарбий хизматга қабирилувчилар орасидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун хайдовчилар, электрик ва радио-телефончилар тайёрланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун оммавий техник мутахассислар ҳам тайёрлаймиз.

Мактабда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қара-

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент бирлашган техника мактабида алоқа соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув хоналари қайта жиҳозланди.

тилмоқда. Бу ерда ўқ отиш, ҳарбий-амалий кўпкураш, автомоделлаштириш, автокросс, авторалли каби секциялар ҳам мавжуд. Шунингдек, кикбоксинг спорт секцияси ҳам ишлаб турибди. Мактабнинг картинг секцияси ўқувчилари 2012 йилда шаҳарда биринчи ўринни эгаллади. Барча спорт секцияларида ён-атрофдаги маҳаллалар ўсмирлари ҳам келиб шуғулланоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айлангани ҳамда ҳарбий хизматга танлов асосида саралаш тизими йўлга қўйилгани боис кўплаб ёшлар ҳарбий мутахассис-

ликларни эгаллашга қизиқмоқда. Улар ушбу мутахассисликларни Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабида эгаллаши мумкин. Мудофаа ишлари бўйича барча туман бўлимлари бу ерга соғлом, тест-синовларидан энг юқори балларни тўплаган ва мазкур мактабда ўқишни таййдиган энг яхши йигитларни юбормоқда. Мактабда улар тиббий кўрик ва профессионал танловдан ўтади. Ҳар бир ўрин учун уч киши даъвогарлик қилмоқда ва уларнинг энг муносибларигина мазкур мактабда тахсил олади.

(Давоми 2-бетда)

Бугунги иқтисодиётни ривожлантириш суръатлари ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулотнинг сифати ва самарадорлигига эришиш борасида ўз талабларини қўймоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ишлаб чиқариш жараёналари ва ташкилотларда ҳужжат айланишини автоматлаштириш ҳамда тизимлаштириш, сарф-ҳаражатларни камайтириш, белгиланган вазифаларни бажаришни тезлаштириш имконини берардиган IT-технологиялар ушбу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Бу софтвер компанияларга кенг даражадаги истеъмолчилар учун мўлжалланган универсал маҳсулотларни яратиш имконини бермоқда. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистонда дастурий маҳсулотлар бозори жадал ривожланмоқда. Бунга ишлаб чиқарувчиларни кенг қўламда қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича яратилган қўнунчилик базаси туфайли эришилмоқда. Натижада, телекоммуникация инфратузилмасини, мобил алоқа ва бошқа хай-тек маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилган қатор йирик лойиҳалар

ҳаётга татбиқ этилаётди. Бошқача айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилишнинг юқори технологияли базаси шакллантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан маълум қилишларича, давлат ва тижорат тизимларининг мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилари билан ўзаро ҳамкорлиги ушбу маҳсулотларни кенг жорий этишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу сазй-ҳаракатлар ҳамкорлиқни ривожлантириш, тендер савдолар ва дастурий таъминотнинг давлат харидларини амалга оширишда ошқоралиқни таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган компаниялар сони йил сайин кўпаймоқда, ўзимизда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар қамрови кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда)

тадбир уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорларнинг Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ва «Мустақкам

оила йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш доирасида чоп этилган «Оила — менинг қутлуг боғим» шеърӣ тўпламининг тақдироти бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ёшлар келажагининг нурли истиқболи» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтади.

Германияда нашр этиладиган «Wostok» журналининг навбатдаги сонида бугунги Ўзбекистон ва унда кечаётган ўзгаришлар мавзусига бағишланган мақолалар босилиб чиқди.

«WOSTOK» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

«Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари». Нашрда эълон қилинган мақолалардан бири ана шундай номланган. Унда мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборан Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари атрофида қаламга олинган. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда Хабеас корпуси институти жорий этилгани халқаро ҳамжамиятнинг қатта эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш муҳим йўналиш сифатида белгилангани эътиборга лойиқ эканлиги немис наشري томонидан алоҳида эътироф этилади.

Жумладан, мақолада айрим турдаги жиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказилиши улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этгани таъкидланади.

«Wostok» журналининг қайд этилишича, тезкор-қидирув фаолиятига доир қонунчилиқнинг такомиллаштирилиши, ушбу жаҳда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, қонунга риоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам эътиборга лойиқ жиҳат ҳисобланади. «Ўзбекистонда, деб ёздаи нашр, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар томонлама ислохотлар йўналишида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари одил судлов сифатини оширишга, жиноий қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарадор ҳимоя этилишига қаратилгандир».

«Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақамлаб бориш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш ва уларни том маънодаги мустақил давлат институтига айлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламда чора-тадбирлар Ўзбекистонда қонун устуворлиги таъминланиши ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилади», деб ёздаи «Wostok» журнали.

«Янги зафарларга эришиш йўлида» деб номланган яна бир мақола «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг фаолияти ҳамда ўзбек халқининг бой аъналарини асраб-авайлаш ва оммалаштириш борасида ушбу жамғарма томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Унда таъкидланганидек, 2004 йилда ташкил топган мазкур жамғарманинг фаолияти ўзбек халқининг бой маданий мероси, миллий аъналарини қайта тиклаш, илғор жамоатчилик ва маданият арбобларининг ижодий салоҳиятларини жишлантириш, ёш истеъдод ва иқтидор эгалари, ижодкор сулолаларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Жамғарма Ўзбекистоннинг ноёб миллий маданияти, тарихий мероси ҳамда ранг-баранг замонавий санъатида оид маълумотлар билан жаҳон ҳамжамиятини бохабар этилиш барибарида юрт жамоатчилигини жаҳон маданиятидаги ўзгаришлар билан таништиришни ҳам ўз олди-га мақсад қилиб қўйгани мақолада эътироф этилади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан дунёнинг барча мамлакатларида ташкил этиладиган тадбирлар, муаллифнинг фикрича, чет эл жамоатчилиги вакиллари-нинг Ўзбекистон ҳамда унинг бой ўтмиши ва замонавий тараққиёти билан яқиндан танишишига хизмат қилади.

Қайд этилишича, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларига ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, улар ижод ва билим чўққиларини эгаллашлари учун кўмаклашиш, ўз истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун моддий ва маънавий шароитлар яратишга қаратилган лойиҳалар мазкур жамғарма томонидан амалга оширилмоқда. «Бундай лойиҳалардан бири «Келажак овози» республика кўрик-танлов бўлиб, унда янги ғоялар, интеллектуал қарашлар, замонавийлик акс этган моҳирона кашфиётлар, бизнес режалар, меъморчилик ва дизайн санъатининг нодир намуналарини яратишга қодир бўлган ёшлар иштирок этиб келишмоқда», дея алоҳида таъкидланади мазкур мақолада.

Шунингдек, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан Art Week style.uz санъат ҳафталиги, «Олтин гепард» киноанжумани ва Theatre.UZ фестивали сингари халқаро миқёсдаги тадбирлар ҳар йили ўтказиб келинаётгани ҳам «Wostok» журнали томонидан юқори баҳоланган.

«Жаҳон» АА
Берлин



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Обод турмуш йилида навбатдаги истиқболли лойиҳани амалга оширди. Шовот туманининг Бўйрачи қишлоғида чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослаштирилган замонавий «Темир йўл обод» мажмуаси барпо этилди. 14 гектар майдонни эгаллаган мажмуада айни пайтда 700 бош қорамол мавжуд бўлиб, ҳар куни 3 тоннага яқин сут ички бозорга чиқарилмоқда. Келгусида бу ерда сутни қайта ишлаш технологияси ишга туширилиши билан 12 турдаги маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу чорва мажмуаси иш бошлаши натижасида қишлоқ ёшлари учун 150 та иш ўрни яратилди.

• Ангор туманидаги «Таллимарон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий гузар мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Мурод Бобомуродов ташаббуси билан бунёд этилган мазкур мажмуадан озик-овқат дўкони, сартарошхона, техника воситаларини созлаш каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган. Қувонарлиси, ўтган йили вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ 700 дан зиёд ана шундай хизмат кўрсатиш нуқталари ишга туширилди.

• Тўрткўл тумани марказида «Хуснора-Севара» умумий овқатланиш корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Банкининг 98 миллион сўмлик кредити асосида амалга оширилган мазкур лойиҳа натижасида ўнга яқин ёшларнинг бандлиги таъминланди.

• Норин туманининг қўшни Андижон вилоти билан чегарадош ҳудудида тумanning рамзий дарвозаси барпо этилди. Бунёдкорлик ишларига тадбиркор Абдулхамид Эргашев ҳомийлик қилди.

ЖАҲОНДА

• Изғирин совуқ ва кучли қор ёғиши туфайли Буюк Британияда қарийб 300 та мактаб ёпиб қўйилган эди. Одатдан ташқари қули қор ёғиши туфайли Англиянинг шарқий қисми кўпроқ зарар кўрди, бу ердаги Норфолк графлигида шу сабабга кўра 260 дан зиёд мактабнинг фаолияти тўхтатилган.

• Индонезияда сув тошқини туфайли 8 киши ҳалок бўлди. Индонезиянинг пойтахти Жакарта ҳудудида ва унинг яқинида жойлашган Ява оролидаги Бантен провинциясида тинимсиз жала ёғиши ва ер кўчкилари туфайли 8 киши ҳалок бўлди, 120 мингга яқин киши бошпанасиз қолди. Пойтахтнинг қатор туманларида сув сатҳи уч метргача кўтарилди ва бунинг оқибатида икки киши шаҳарда сувга чўкиб кетди.

• Халқаро валюта жамғармаси Грецияни банкротликдан қутқариш учун мўлжалланган 4 миллиарддан зиёд миқдоридаги кредитнинг навбатдаги транши тўланишини маъқуллади.

• Об-ҳавонинг глобал исби кетиши туфайли АҚШнинг Шарқий қирғоқлари-га баҳор келди. Бу ерда одатдагидан бир неча ҳафта илгари баҳорнинг илк чечаклари гуллади: олимлар баҳорнинг бунчалик эрта келишини глобал иқлим ўзгаришлари билан изоҳлашмоқда.

• Искандарияда кўп қаватли уйнинг кулаши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 25 кишига етди. Яна 12 киши жароҳатланган. Бундан аввал 17 нафар ҳалок бўлганлар ва 8 нафар жароҳатланганлар ҳақида хабар берилган эди. 12 қаватли турар жой (айрим маълумотларга кўра 11 қаватли) 16 январь куни эрталаб қулаб тушган. Уйда 24 та оила истиқомат қилган.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Миробод қурилиш касб-ҳунар коллежида «Обод ўлкамиз тарихи» мавзусида

Маънавият

ҚАЛБИМИЗДА ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИ
УЙҒОНАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча санъат турлари каби кино соҳасининг ривожланишига ҳам давлат миқёсида катта эътибор қаратилди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида 2000-2012 йиллар давомида жуда кўплаб бадий фильмлар суратта олинди. Яратилаётган фильмларнинг маънавий ва бадий савиясини ошириш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг акс этишини таъминлаш вазифаси бугунги кунда биринчи ўринда туради.

Яқинда Киночилар уйида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси билан «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаб чиқарилган драма жанридаги «Матонат» бадий фильмининг намойиши ва журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда фильмни яратган ижодий ходимлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Мазкур фильм Ватанимиз мустақиллиги ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда жасорат кўрсатиб, ички ва ташқи душманларга қарши аёвсиз курашларда жонини фидо қилган мард ва жасур божхоначиларнинг порлок хотирасига бағишланган.

Кинолентани томоша қилар экансиз, Ватан учун ўзини қурбон қилишга тайёр қаҳрамонларнинг қу-

рашларини кўриб қалбингизда фахр ва ифтихор туйғулари уйғонади.

2013 йилнинг дастлабки маҳсулоти ҳисобланган фильмнинг асосида ватанпарварлик ғояси илгари сурилган.

2009-2011 йилларда Навоий вилояти ҳудудида рўй берган воқеалар асос қилиб олинган ушбу киноасарда бош ролларни Боир Холмирзаев, Тоҳир Саидов, Самиддин Лутфиллаев, Севара Солиева, Лола Эргашева, Жамила Ғофурова ва Жалол Юсуповлар ижро этишган.

«Матонат» фильмининг тақдими шунингдек, Алишер Навоий номидаги киносаройда ҳам бўлиб ўтди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси билан суратга олинган 100 дан ортқ фильмларда ҳарбий-ватанпарварлик, ўз она Ватанига содиқ руҳда камол топиб, юртимиз сарҳадларида хизмат қилаётган ёшлар, республикамиз ҳарбий тизимида рўй бераётган кенг қамровли ислохотлар ўз аксини топган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Республика эстрада-цирк коллежида шу мавзудаги
маънавий-матрифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирлар

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Тадбирни очар экан, Яккасарой тумани ҳоқими Б.Ғойибназаров коллежда тахсил олаётган ҳар бир ўқувчининг Ватанга муҳаббат руҳидаги энг олий қадрият ва эзгуликка йўрилган ниятларни кўнгилга тугиб изланиб, интилиши, миллий анъаналаримизга риоя қилиб юртимиз эртаси учун ҳаракат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова ҳам сўзга чиқиб, мамлакатимизда келажғимиз эртаси бўлмиш ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар ва улардан унумли фойдаланаётган йигит-қизларимизнинг халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари, улар яратаётган кашфиётлар, айниқса

санъат соҳасидаги сермаҳсул ижодлари ва шарафли муваффақиятларни алоҳида қайд этди.

Тадбир давомида коллеж ўқувчилари ўз устозлари ҳамкорлигида уюштирилган концерт дастурини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди. «Жон Ўзбекистон», «Ўтов», «Сен қайдасан», «Мустаҳзод», «Лазги» каби куй-қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди.

Айниқса, эстрада актёрлик санъати бўлими ўқувчилари томонидан тайёрланган «Қизлар табриги» сахнаси ва эстрада рақс бўлими томонидан ижро этилган «Йигитлар рақси» тадбирнинг янада мазмунли ўтишини таъминлаб берди.

Гулнигор САТТОРОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат



Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлашда барча истеъмолчилар – кўп қаватли уйлар, хонадонлар, саноат корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, яқка тартибда фаолият кўрсатаётган ишбилармонларнинг эҳтиёжлари тўлиқ ҳисобга олинган.

— Шаҳар газ хўжалигини киши мавсумга тайёрлашдаги қизгин паллада режадаги тадбирларни бажаришда корхона ходимлари эрта баҳордан бошлаб унумли фойдаланиб иш юритдилар, — дейди «Тошкент-шаҳаргаз» филиали бош муҳандиси Миржалол Зуфаров. — Табиий газ турмушимизга шу қадар сингиб кетганки бирор кун хонадонимизда «зангори олов» ўчиб қолса ёки газ босими пайсаяиб кетса қўналиб қоламиз. Лекин ҳаммамиз ҳам унинг қадрига етавермаймиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, табиий газни истеъмолчига узлуксиз ва хатарсиз етказиб беришда қанчалар машаққатли меҳнат ва маблағ сарфланади.

Юзага келиши мумкин бўлган айрим нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, киши мавсумга тайёрларлиқ ишларини олиб бориш мақсадида «Тошкент-шаҳаргаз» корхонаси томонидан бир қатор тадбирлар режаси белгиланиб, улар асосида фаолият кўрсатди. Жумладан, қиш иситиш мавсуми бошланишидан аввал турар жой бинолари ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридаги газ асбобларини техник қўриқдан ўтказиш, шунингдек, газ асбобларига ўрнатилган дудбўронлар «Дудбўрон ва шамоллатиш йўлларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар» томонидан қўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Дудбўрон ва шамоллатиш каналларидаги хизмат кўрсатиш «Ўзбекистон Республикасида турмушда газдан фойдаланиш қоидалари» ва «Ўзбекистон Республикасида газ хўжалиқларини техник эксплуатация қоидалари»да таъкидланганидек, мавжуд биноларда ўрнатилган газ асбобларига уланган дудбўронларни ва шамоллатиш каналларини қўриқдан ўтказиш, ушбу ишларни бажаришга рухсат этилган махсуслаштирилган ташкилотлар ва кўнгилли ўт ўчириш жамияти мутахассислари томонидан олиб борилади.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ёнгинга қарши кураш жа-

мияти», «Бунёдкор таъмир сервис» МЧЖ, «Бунёдкор таъмир бизнес» МЧЖ ва «Газ печка таъмири» ХКлар аҳоли хонадонлари ва коммунал маиший корхоналаридаги дудбўронли газ асбобларини қўриқдан ўтказиш ва тумандаги носоз дудбўронларни буюртма асосида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ўзларининг Низомларига асосан фаолият кўрсатмоқдалар.

Коммунал маиший корхоналардаги дудбўронларнинг ўз вақтида дав-

ТАБИЙ ГАЗДАН ОҚИЛОНА
ФОЙДАЛАНИШ —
ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ГАРОВИ

рий қўриқдан ўтказилиши ва тоза-лаб турилишининг амалга оширилиши ушбу корхонадаги газ хўжалигининг эксплуатация қилинишига (маиший корхона буйруғи асосида) тайинланган жавобгар шахс томонидан, шахсий уйларда эса хонадон эгалари томонидан таъминланади.

— Иситиш мавсуми бошлангунга қадар — табиий газ ёқилгисида мавсумий ишлайдиган иситиш печлари, сув иситиш қозонлари конструкцияларидан қатъи назар эксплуатация давомида белгиланган муддатларда даврий қўриқдан ўтказилиб турилиши лозим, — дейди «Бунёдкор таъмир сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳом Халилов. — Вақт ўтиши билан газ асбобларига уланган дудбўрон ва вентканалларни қуром босиши, ҳар хил чиқиндилар тушиб қолиши, зилзила ёки иссиқ-совуқдан бино ёки қувурларнинг дарз кетиб ёрилиши, уйларни таъмирлаш даврида дудбўронларга шикаст етиши, қувурларнинг йўли беркилиб қолиши ҳоллари юз беради. Бунинг натижасида дудбўрон ва вентканалларнинг тўтунни ёмон тортиши ёки умуман тортмай қолиши кузатилади. Ёриқлардан ўт чиқиши ёки ис газидан одамларни заҳарлаши мумкин. Баъзи ҳолларда портлаш ҳоллари ҳам бўлади. Оқибатда инсонларнинг уй-жойлари ёниши, ёнмаган тақ-

ри мумкин. Қўриқ натижасида аниқланган камчилик ва носозлиқлар ҳақида хонадон, корхона, ХУЖМШ эгалари ёзма равишда огоҳлантирилиб, «Тумангаз»ларга далолатнома тақдим этилади ва газдан фойдаланишга рухсат этилади ёки этилмайди. Хонадон, корхона, ХУЖМШ эгалари эса кўрсатилган камчиликлар ва носозлиқларни бартараф этишлари, газ асбобларидан фойдаланишдан аввал эса яна қайта қўриқдан ўтказишлари шарт.

Дудбўронлар ва шамоллатиш каналларининг созлиги, тозаллиги ва яроқлилигини қўриқдан ўтказишда «Саноатконтехназорат»нинг газ инспекцияси рухсатномаси ва «ЎзРда Газ хўжалиқларини техник эксплуатация қилиш», ШНК-2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги», ШНК-2.08.01-05 «Турар жой бинолари», КМК-2.04.08-96 «Газ таъминоти лойиҳа меъёрлари», КМК-3.05.02-96 «Газ таъминоти», КМК-2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва конденсациялаш», КМК-4.02.60-96 «Печ ишлари» ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Афсуски шахримизнинг айрим хонадон эгалари томонидан дудбўрон ва шамоллатиш йўллари қўриқдан ўтказувчи ташкилотларнинг мутахассисларини уйларида киритмаслик ҳолатлари учрамоқда. Дудбўрон ва шамоллатиш каналлари носоз бўлса, бунинг оқибатида юқорида таъкидланганидек, ёнғин чиқиши, одамларнинг заҳарланиши каби бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. Масалан ўтган йилнинг 15 декабрь кунини Миробод туманида фаолият юритаётган «Дўстлар» кафесида тунгги вақтда 7 нафар фуқаролар ис газидан заҳарланиб, уларнинг 4 нафари жараҳатланди ва 3 нафари ҳаётдан кўз юмди. Бундай аянчи ҳолатларнинг олдини олиш муҳимлигини унутмаслигимиз лозим. Дудбўрон ва шамоллатиш йўллари қўриқдан ўтказиш ишлари инсонларни ҳамда уларнинг мол-мулк хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Газдан тежаб фойдаланиш нафақат мамлакатимизни газ билан узлуксиз таъминлаш, балки келажак авлодларимизга ҳам керакли захира яратиш имконини беришини унутмаслигимиз лозим.

Зиёда РАСУЛОВА

ТАНЛОВ ЯКУНИГА
БАҒИШЛАНДИ

Миллий рассомлик ва дизайн институти «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган «Бу замин — менинг Ватаним» мавзусидаги танловнинг якунига бағишланган тадбир ўтказди.

Ушбу танловдан мақсад — бугунги кунда нафақат республикамизда, балки бутун дунёда атроф-муҳит, экология, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизи ва Орол бўйи муаммолари, ОИТС, гиёҳвандлик, терроризм, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, қашандлик каби аср вабосига айланиб келаётган иллатларнинг олдини олишга қаратилган. Бу каби муаммолардан қўллаб одамлар азият чекмоқда. Ушбу танлов ва унинг қўргазмаси ҳам юқоридаги муаммолар ва уларнинг фожиявий оқибатларини бадий воситаларда тасвирлаш орқали ёшлар қалби ва онгига чуқур сингдириш ва шу йўл билан уларни бартараф этишга ундаш орқали уларнинг қалби ва онгига Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, миллий ва маънавий қадриятларимизни, гўзал ва бетакорр табиатиимизни асраб-авайлаш, ёш авлодга соғлом турмуш тарзи зарурлиги туйғулари сингдирилшига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Жўраев Ватанга бўлган муҳаббат — инсон учун берилажак буюк незматлардан бири эканлигига урғу бериб, ушбу танлов ва қўргазма соғлом турмуш тарзига интилиш орқали фаровон ҳаётнинг тараннум этилишига йўналтирилганлиги билан эътиборлигини таъкидлади, бундай тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумтаълим мактабларига қўчириш, Миллий рассомлик ва дизайн институти бошчилигида, «ЭКОСАН» ХЖФ каби жамоат ташкилотлари ҳомийлигида, маҳаллалар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаоллигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг навбатдаги грант лойиҳалари доирасида тарбиявий-ташвиқот тадбирлари уюштириш, маҳорат дарслари ўтказиш, иллатлар, уларнинг фожияли натижалари, айниқса, улардан фориғ бўлиш йўллари акс эттирилган плакатлар нашр этириб, кенг халқ оммасига, асосан, ёшларга тарқатишни ташкил қилишга чорлади.

Анжуманда Ўзбекистон Бадий академияси академиклари, Ўзбекистон халқ рассомлари Собир Раҳметов ва Алишер Мирзаев, «ЭКОСАН» Халқаро жамоат фонди раиси ўринбосари Комилжон Жўраев, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Ифандиёр Латиповлар голибларни қутладилар.

Шундай қилиб, танлов якунларига кўра Гран прига «Инсон ва табиат узвий боғлиқдир» асари учун Рухшона Шоалиева, 1-ўринга «Улар изламоқда...бирок...» асари учун Велена Сагайдов, 2-3-ўринларга Бобур Худойбердиев, Жамшид Рашидов, Саодат Жангирова, Нурбек Ғофуров, Шоиста Иноғомова каби талабалар лозим топилдилар.

Бир қатор ижодкор ёшларга ҳам рағбатлантирувчи совғалар тақдим этилди.

Миркарим МИРСОВУРОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ
ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши йилдан йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз туристик имкониятларининг чет эллардаги намойишлари ҳам бундан далолат. Яқинда Бельгиянинг Лювен шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ярмаркада ўлкамиз туристик салоҳияти яна бир бор намойиш этилди. «Hobo Reisen» компанияси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро ярмаркада дунёнинг 40 дан ортқ давлатларидан туристик компаниялар иштирок этди.

Дарҳақиқат, диёримизнинг кўп асрлик тарихий обидалари, бой тарихи ва бетакорр табиати, қуёшли иқлими, меҳмондўст халқимиз сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Эътироф этиш жоизки, бугун европаликлар юртимизда яшаб ўтган тарихий шаҳарларнинг дунё цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида яхши билишади. Хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарлар сайёҳларни доимо маҳлиё этиб келган.

Яна бир муҳим жиҳат эса, туристик инфратузилмаси қаердаки тинчлик ва барқарорлик, ободлик бўлса, ўша ерда ривож топади. Сайёҳларни ҳам меҳмондўст ва бағрикенг диёр жалб этади. Бельгияда ўтган сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистоннинг иштироки эса ана шу гўзал манзаранинг яна бир ишончли намойишидир.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ
ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

В. Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида «Болалар болаларга» хайрия концерти бўлиб ўтди. Унда халқаро ва республика танловлари голиблари ўз истеъдодини намойиш этди. Ушбу лойиҳа асосида тайёрланган концерт дастурлари «Обод турмуш йили»да ҳар ойнинг 15 санасида ўтказиб борилади. Концертлардан тушган маблағ эса бемор болаларни даволашга сарфланади.

Тадбирнинг аҳамиятли томони шундаки, концертларда иштирок этаётган истеъдодли болақонлар ўз ижроси ва чиқишлари билан ўз фуқаролик бурчларини бажарётгани, имконияти чекланган болаларга меҳр-муруват изҳор этаётганлигидан шод бўлишмоқда. Шу билан бирга ёш иқтидор эгалари томонидан сақналаштирилган дастурлар мусиқа илҳомландирувчи оламнинг бойлигига катта ҳисса қўшади.

Концертда ўзбек миллий куйлари асосида тайёрланган «Полурри», жаҳон классиклари Ф.Шопен, Д.Пуччини, В.Моцарт ҳамда ўзбек композиторларининг илҳомбахш куйлари ижро этилди.

Лицейнинг истеъдодли ёш мусиқачилари, кўплаб танловлар совриндорлари Нодира Дадамұхамедова, Нилуфар Муҳиддинова, Жамшид Саидқаримов, Иван Денисенко, Жаҳонгир Ризаев, Юлия Габдукова ва бошқалар ижросида турли қолғулар жўрлигида янграган мусиқалар кичкинтой томошабинларга манзур бўлди.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ҳамшаҳарлар!

«Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармасида бугунги кунда 22 дон «MAN» русумли 15 м³ ҳажмли юк ташувчи (самосвал) автотранспорт воситалари мавжуд.

Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудида барча турдаги юк ташиш бўйича хизматларни кўрсатади.

Нархлар келишилган ҳолда.
Маълумот учун телефонлар:
250-54-17, 247-97-53, 126-50-55, 503-13-31

Саноат корхонаси «Корхона бош энергетиксининг биринчи ўринбосари» лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Давооарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик таърибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.

Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.

Корхона хизмат транспорти, бенул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
241-10-81, 929-55-97.



Спорт янгиликлари

Хиндистонда шахмат бўйича ўтказилаётган «11 th Delhi International Open Chess Festival» фестивалининг 6-тур бахслари якунланди. Мазкур мусобақада ўзбекистонлик гроссмейстер Марат Жумаев «А» гуруҳида пешқадамлар сафида бормоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Кучлилар гуруҳи сифатида эътироф этилган «А» гуруҳида жами 105 нафар шахмат усталари ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Ушбу гуруҳда ҳамюртимиз Марат Жумаев ҳозирча 6 имкониятдан 4,5 очко жамғарган ҳолда учинчи кўрсаткични эгалламоқда. Яна 8 нафар шахматчи ҳисобида 4,5 тадан очко мавжуд. Эътиборлиси, Марат Жумаев шу кунга қадар ўтказилган 6 партиянинг бирортасида мағлубиятга учрамади. Учта учрашувда ғалаба қозongan шахматчимиз яна уч ўйинда дурангга имзо чекди.

«А» гуруҳида 6 имкониятдан 5 тадан очко тўплаган хиндистонлик М.Панчнатан ва С.Вайбхав биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Мазкур шахмат фестивалининг «А» гуруҳида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир юртдошимиз, халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. Ҳозирча Жаҳонгирнинг ҳисобида 6 имкониятдан 4 очко мавжуд. Кучлилар гуруҳида иштирок этаётган яна бир гроссмейстеримиз Дмитрий Каюмов эса 3 очкога эга.

«Туркистон-пресс»

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАЛИ ОДИМЛАРИ

Мельбурн шаҳрида теннис бўйича давом этаётган «Катта дубулга» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт турнирдан дастлабкиси – Австралия очиқ чемпионати беллашувларини ҳамюртларимиз ғалаба билан бошлади.

Хотин-қизлар ўртасидаги яккалик бахсларида Окгул Омонмуродова дастлабки босқич учрашувида франциялик Матильда Йоханссонни 6:4, 6:2 ҳисобида енгди. Энди Окгул италиялик Роберта Винчига қарши қорға чикади.

Эркаклар ўртасидаги яккалик бахсларида қатнашаётган Денис Истомин ҳам мухлисларни хушнуд этди. Моҳир теннисчимиз голландиялик Игорь Сийслингга биринчи сетиди 4:6 ҳисобида ютказганига қарамай, қолган уч сетда 6:3, 6:4, 6:2 ҳисобида зафар кучди. Д.Истомин навбатдаги учра-

шувни италиялик Андреас Сеппига қарши ўтказди.

Хиндистонда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда Жўрабек Каримов яккалик бахсларида мезонлар вакили Ануш Сингх Бхаттини 6:0, 6:0 ҳисобида енгди, биринчи босқичда энг тезкор ғалабага эришган теннисчи бўлди. Жўрабек жуфтлик бахсларида хитойлик Аоран Ванг билан ҳамкорликда хиндистонлик Анвир Бендре ва Хитой Тайпейи вакили Чин Чун Танг устидан 6:2, 3:6, 13:11 ҳисобида ғалаба қозонди.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЕВСТАФЕЕВ ЯНА БОШ МУРАББИЙ

Кейинги йилларда болалар ва ўсмирлар ўртасида миллионлар ўйини – футболни янада оммалаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар самара бераётганлиги барчага маълум.

Буни жорий йилда Ўзбекистон ўсмирлар ҳамда ёшлар терма жамоаларининг жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганликлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Мухлисларга маълумки, бундан икки йил аввал Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги 16 ёшгача бўлган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Мексика яшил майдонларида уюштирилган жаҳон чемпионатида муваффа-

қиятли қатнашиб, чорак финалгача бўлган йўлни босиб ўтишган эди. Ўтган йили Алексей Евстафеев катта мураббий сифатида 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасида бош мураббий Аҳмаджон Мусаевга ёрдам берган эди.

Эндиликда 1995 йилда таваллуд топган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига яна иқтидорли мутахассис Алексей Евстафеев бош мураббий этиб тайинланди.

Келаси йили 1998 йилда таваллуд топган чарм тўп усталаридан ташкил этилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш бахслари уюштирилади.

МУВАФФАҚИЯТ ТАКРОРЛАНАРМИКАН?

Маълумки, ўтган йили Дишод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатида ғолиб бўлиб қитъа чемпиони деган номга сазовор бўлган эди. Шу боис ҳам 1998 йилда тузилган ўсмирлардан таркиб топган терма жамоамиз зиммасига Осиё чемпионати саралаш бахсларидагина эмас, балки қитъа биринчилигида яна ғолиб чиқиш вазифа-

си юклатилди. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш мақсадида 1998 йилда тузилган ўсмирлар терма жамоасига иқтидорли мутахассис Темура Олимхўжаев бош мураббий этиб тайинланди.

Шунингдек, Темура Олимхўжаев 2000 йилда тузилган ўсмирлар терма жамоасини ҳам бош мураббий сифатида бошқаради.

МУРАББИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Моҳир футболчи Бахтиёр Ашурматов ҳақида гап кетганда мухлисларнинг юзиди табассум пайдо бўлади.

раббийлик билан жиддий шугуллана бошлади. Жорий йилда профессионал футбол лигасига қайтган Сирдарёнинг «Гулистон»

жамоасига эндиликда Бахтиёр Ашурматов бош мураббийлик қилади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Янги дунёга келган боланинг соғлом, ҳар томонлама етук ривожланиши учун бир неча омиллар муҳим аҳамиятга эга. Тўғри ташкил қилинган кун тартиби, тўғри овқатланиш, гигиена ва чиниқтириш шулар сирасига киради. Кун тартиби боланинг уйқуси, тетиклик вақти ва овқатланиш кетма-кетлигидан иборатдир.

Ушбу физиологик жараёнлар бола организмда ритмик тарзда кечади. Кун тартибининг тўғри ташкил қилиниши натижасида болада маълум вақтда овқат ейишга, маълум вақтда ухлашга ва вақтда сайр қилишга эҳтиёж туғилади.

Биринчи ойнанинг охири, иккинчи ойнанинг бошларида келиб болада катталарнинг гапларига жавобан жилмайиб кузатилади. Иккинчи, учинчи ойларга келиб боланинг жилмайиши ва эркалашларга ижобий жавоби узоқ сақланиб туради, шу туфайли бундай вақтда болани кўпроқ эркалаш, алла ва турли қўшиқлар айтиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётининг учинчи ойларида болани ҳар овқатланишдан ва уйқудан олдин қоринга ётқириш лозим. Бу болада бўйин тўтиш ва эмаклаш хусусиятларини ривожлантиради. Уйинчоқларга келадиган бўлсак, икки, икки ярим ойлик болаларга 70 см узоқликка, 3-4 ойлик болаларга эса пастроққа — кўкрак қафаси устига уйинчоқларни ошиш лозим. Чунки бу вақтда болада қўл чўзиш ҳаракатини ривожлантириш даркор бўлади. Уйинчоқлар катта, ранги ёрқин ва оддий шаклда бўлиши керак. Ҳаддан ташқари рангли уйинчоқлар болани чарчатади. 3 ойдан 5-6 ойгача болада кўриш ва эшитиш қобилиятини ривожлантириш лозим, 6 ойдан 9-10 ойгача эса сўзларнинг маъносини тушунишни ривожлантириш керак. Бунинг учун «ойинг қани», «бер» каби сўзларни тушунтириш даркор.

Табиий овқатланишдаги болалар юқумли касалликлар билан сунъий овқатлантиришдаги болаларга нис-

батан 1,5-2,5 баробар кам касалланидилар. Ичак инфекциялари билан 3 мартаба кам оғрийдилар. Она сuti етарли миқдорда бўлганда, ой-куни этиб тутилган чақалоқнинг барча асосий эҳтиёжларини қоплайди. Боланинг 1,5-2 ойлигидан бошлаб мева ва сабзавот шарбатларини бера бошлаш мумкин. Ўткир ичак бузилишлари келиб чиқмаслиги учун шарбатларни бериш биринчи кун 2-3 томчидан бошланади. Чақа-

мидан бошланади. Болада ҳеч қандай тошмалар пайдо бўлмаса, яхши кўтарса аста-секинлик билан ошириб борилади. Творог бебаҳо оқсил, кальций ва фосфор тузларига бой бўлганлиги сабабли 4-5 ойлигидан бошлаб қўшиш мумкин. Доимо шуни эсда тутиш лозимки, янги тузилган чақалоқлар, бир ёшгача бўлган болалар овқатланиш рацionali албатта умумий амалиёт шифокори билан маслаҳатлашган ҳолда олиб борилиши лозим.

Бир ёшгача бўлган болалар гигиенаси ўз ичига кийим гигиенасини, тери ва бадан гигиенасини, чўмилириш гигиенасини олади. Бир ёшгача бўлган болалар кийими бола учун қулай, табиий матодан бўлиши лозим. Бола ҳаётининг 4-5 кунидан бошлаб чақалоқларни эркин йўргаклаш мақсадга мувофиқдир. Бундай йўргаклаш болага эркин ҳаракат қилишга замин яратди, кўкрак қафаси ва қорин билан нафас олишни осонлаштиради.

Бола чўмилаётганда хонада ҳарорат 22-23 градус бўлиши лозим. Бола чўмилаётган ванна ҳар гал қайноқ сув ва совун билан тозаланади. Бир ёшгача бўлган болалар 5-7 дақиқа давомида чўмилирилади.


Чўмилиш охирида бола устидан ванна ичидаги сувдан 1-2 градусга паст бўлган сув қуйилади. Болани чиниқтириш турлари ҳам хилма-хилдир. Яъни ҳаво билан, сув билан ва қуёш нурида чиниқтириш. Чиниқтириш натижасида болада ҳаводаги атмосфера босимидаги ўзгаришларга қаршилиқнинг оширилиши кузатилади. Ҳаво билан чиниқтириш хонада, очик ҳаво шароитида ўтказилади. Сув билан чиниқтириш маҳаллий ва умумийга бўлинади. Қуёш ванналарини қабул қилиш кучли чиниқтириш турларидан ҳисобланиб, уни ўтказишда албатта боланинг умумий ҳолати текширув остида бўлиши лозим.

Зулайхо СОАТОВА,
3-шаҳар болалар юқумли касалликлари клиник шифохонаси шифокори

Мутахассис маслаҳати

ФАРЗАНДИНГИЗ СОҒЛОМ ЎССИН

лоқ ҳаётининг биринчи ярим йилида бу кўрсаткич 80 мл.граммгача кўпайтирилади. Бир ёшга келиб 100-100 мл.га чиқарилади. Энг аввало олма шарбатидан бошланиб, икки ойлигидан бошлаб сабзи шарбати қўшиш мумкин. Ҳаётининг 5-6 ойлигидан бошлаб болага олма, банан каби меваларни киргиздан чиқариб бериш мумкин. Буни ҳам албатта оз-оздан бошлаб, сўнгра 50 граммга чиқарилади. Яна шуни эсда тутиш лозимки, болаларда у ёки бу меваларга экзосудатив диатезлар учраши мумкин. Бундай ҳолларда албатта умумий амалиёт шифокорлари билан маслаҳатлашиш лозим. Тухум саригини боланинг овқат рацionali 3-3,5 ойлигидан қўшиш мумкин. Бунда албатта она сuti билан аралаштирилади ва эмизишдан олдин берилади. Аввал тухум саригини 1/4 қис-



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Ким китобдан ўрганади, ким ҳаётдан.

Дўстни йўқотиш осон, топиш қийин.

Ким ўзига қиёсан гапиради, ким ўзгага.

Қайсар гапингни олмайди.

Ҳеч ким бошқани ўзидан устун қўйгиси келмайди.

Баъзиларга ўзидан бошқа барча малол келади.

Яхшилиқни билмайдиганлар ҳаммадан яхшилиқ кутишади.

Меҳнатнинг куйгани ёмон.

Дўст топиш қийин, душман ҳар қадамда бор.

Таассуротлар таъсиридан чиқиб кетиш осон эмас.

Ёмон ёмонлигини қилмай қўймайди.

Ғам тоблайди, қувонч бўшаширади.

Ҳаёт зарбаларини кўтариш осон эмас.

Тез ишлаш ҳам барака.

Имиллаганнинг иши унмайди.

Шошиб қилинган иш кўпинча қусурли бўлади.

Хушхабарнинг бир қаноти бўлса, хунук хабарнинг қўш қаноти бор.

Шодлик асосан саъй-ҳаракат маҳсули, қайғу кўпинча тасодиф.

Одамлар гап тўқувчи дастгоҳ.

Меҳнаткаш чайир бўлади, дангаса мўрт.

Табиб буюрмай ўзинг парҳезга ўт.

Ўз моҳияти ва яшашдан мақсадини англаб етган кишигина инсондир.

Бошқаларга қараб режа ол.

Ҳамманинг ҳам буюргиси келади, ўзи қилгиси келмайди.

Ким яхшилиги билан дилда қолади, ким ёмонлиги билан.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кечаси — 5-7 даража совуқ, кундузи — 4-6 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг

Тошкент шаҳрида 18 январь кунли ҳаво ўзгаришлари, ёғингарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда ҳарорат эсади. Ҳарорат мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, таъмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12967 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 13.30